

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

¹Мухаметов Абубакр Бобоевич ²Абдувохидов Акмал Абдулазизович -

^{1,2}Гулистан давлат университети "Иқтисодиёт" кафедраси доценти,

³Аллаярова Мастура Құдратуллаевна, ⁴Чоршанбаев Умрзоқ Қайнарович – ^{3,4}Гулистан давлат университети "Иқтисодиёт" кафедраси катта ўқитувчisi,

ARTICLE INFO.

Калим сўзлар: ишлаб чиқариш таннахси; маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар; тўғри ва эгри моддий харажатлари; тўғри ва эгри меҳнат харажатлари; ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий сугуртага ажратмалар; ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация; бошқа тўғри ва эгри харажатлар, ҳамда ишлаб чиқариш характеристерга эга бўлган устама харажатлар; 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти.

Аннотация:

Ушбу мақолада БХМСга мувофиқ асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби кўрсатилган. Харажатлар таркиби муфассал кўрсатилган ва асосий ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича счёtlар алоқадорлиги кўrсатилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Харажатлар қўйидаги гурухларга бўлинади: маҳсулот таннахига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий фаолияти бўйича харажатлар, фавқулодда заарлар. Биз бу мақолада факат маҳсулот таннахига қўшиладиган харажатларни кўриб чиқамиз.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлигини аниқлаш учун маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счёtlарида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши ва солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Барча харажатлар қўйидагиларга гурухланади:

1) маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

2) ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар:

а) сотиш харажатлари;

б) маъмурий сарф-харажатлар;

в) бошқа операцион харажатлар ва заарлар;

3) хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заарларни ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинадиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматли қофзларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

4) фавқулодда заарлар, у фойдадан олинадиган солик тўлангунга қадар фойда ёки заарларни ҳисоблаб чиқишида ҳисобга олинади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қўйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементлар билан гурухларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

- асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлик моддий харажатлар. Ишлаб чиқариш билан боғлик моддий харажатларга қўйидагилар тегишли бўлади:

а) ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинадиган хом ашё ва материаллар;

б) нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнига фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар,

инвентарларнинг, хўжалик буюмларининг ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг қиймати;

в) сотиб олинадиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

г) ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар;

д) табиий хом ашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дараҳтга ҳақ тўлаш, корхоналар томонидан сув хўжалиги тизимларидан бериладиган истеъмол қилинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хом ашё тармоқлари учун ёғоч, тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан фойдаланишга хуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари;

е) технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

ж) хўжалик юритувчи субъектнинг технологик транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади);

з) ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг яроқсизланиши ва кам чиқиши;

и) хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиши билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак;

к) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;

л) маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ва идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;

м) "Моддий харажатлар" элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер битишувларида, устамадан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йигимлардан, соликлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

а) хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва

тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

б) касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

в) иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам кунларда ишланганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- қўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, заарли, алоҳида заарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақига, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтгача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

- қурилишда, реконструкция қилишда ва мукаммал таъмиглашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

- доимий равишида ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

- хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

- г) иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

д) ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги ва қўшимча таътиллар, навбатдаги фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

- донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар

бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тұлаш;

- давлат вазифаларини бажарғанлик учун мәхнат ҳақи тұлаш;

е) хұжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар мәхнатига улар томонидан фуқаролик-хуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бүйича ишлар бажарылғанлыги учун ҳақ тұлаш, агар бажарылған иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хұжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

ж) белгиланған тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар мәхнатига ҳақ тұлаш харажатига киритиладиган тұловларнинг бошқа турлари.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар. Ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар киради:

а) қонун ҳужжатлари билан белгиланған нормалар бүйича мәхнатга ҳақ тұлаш тарзидаги даромадларга ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар;

б) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар ва ихтиёрий суғуртага суғурта мукофотларига.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибиға қуйидагилар киради:

а) Асосий ишлаб чиқариш воситаларининг, шу жумладан молиявий ижара бўйича олинган, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланған амортизация ажратмалари суммаси;

б) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активларга ҳисобланған амортизация ажратмалари суммаси. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, бироқ хұжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари юкоридаги бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади:

а) ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари:

- ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа мәхнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

- асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда тузатишларни хұжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, мәхнат ҳақи тұлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот таннахига киритилади;

- ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хұжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа маҳсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари;

- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий изярага олиш билан боғлиқ харажатлар;

- табиатни муҳофаза қилиш максадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан атроф табиий муҳит ифлослантирилғанлыги ва чиқиндилар жойлаштирилғанлыги учун компенсация тұловлари;

- ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда

тутилган мөхнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;

- ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари;

- текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати;

- ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни табиий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш;

б) ишлаб чиқариш ходимларини ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар;

в) ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари;

г) брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар;

д) ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар;

е) кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

ж) маҳсулотнинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари;

з) ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли мөхнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар;

и) умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар;

к) обьектларни давлат капитал қўйилмалари ҳисобига қуришда қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлар;

л) гудвиллнинг номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқариш мақсадида бўлмаган мол-мулк юзасидан белгиланган тартибда;

м) қазиб олувчи тармоқларда тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тегишли бўлмаса. Ушбу харажатлар "Келгуси даврлар харажатлари" сифатида қаралади ва уларни қайтаришнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равища ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажми ва миқдорига мутаносиб равища ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларини ҳисобдан чиқаришнинг танланган методи хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобга олиш сиёсатида акс эттирилиши керак;

н) ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ходимларга вақтинча мөхнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ.

Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счёtlар. Корхонанинг асосий фаолият тури ҳисобланган маҳсулотлар, асосий ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётида амалга оширилади.

Олдиндан (ижара, абонент тўлови ва х.к.) ёки кейинги даврлардаги (хисобдор суммасининг ортиқча харажатлари учун тўловлар ва бошқалар) - корхона харажатлари маҳсулотлар таннархига уларнинг тўланган муддатидан қатъи назар - қайси даврга тааллукли бўлса, ўша ҳисобот даврида киритилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига ишлаб чиқариш заҳиралари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади. Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2510 "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" счётидан ҳисобдан чиқарилади. Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2610 "Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажаришнинг ҳақиқий таннарх суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётидан 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар", 9110 "Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи", 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи" счётларининг дебетига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини кўрсатади.

Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гурухланиши, шунингдек калкуляцион ҳисоб алоҳида счёtlар тизимида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гурухланиши ҳамда калкуляцион ҳисоб алоҳида счёtlар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг аналитик ҳисоби ҳам корхонанинг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича мисол келтирамиз. МБА компанияси икки тур маҳсулот ишлаб чиқаради — "С" ва "Т". Ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш учун компания қўйидаги харажатларни амалга ошириди:

Харажатлар моддаси	"С" маҳсулоти, минг сўм	"Т" маҳсул оти, минг сўм
--------------------	-------------------------------	--------------------------------------

Хом ашё ва материаллар	150 000	30 0 000
Қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланади	2 300	5 000
Ёқилғи ва энергия	50 000	80 000
Асосий ишлаб чиқариш ишчиларини мөхнат ҳақи	60 000	88 000
Мөхнат ҳақидан ижтимоий солиқ	7 200	10 560
Ташқи ташкилотларнинг хизмати (ижара ва б.)	20 000	32 000
Асосий воситалар амортизацияси	12 000	25 000

Фараз қилайлик тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд эмас. Тайёр маҳсулот амборга қабул қилинді. Бухгалтерия ёзувларни тузамиз ва ишлаб чиқарилған маҳсулот таннархини аниқтаймиз.

“С” маҳсулотини ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби:

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти”

Кредит 1010 “Хом ашё ва материаллар”, - хом ашё ва материаллар қиймати суммасига - 150 000 сүм;

Дебет 1090 “Бошқа материаллар”

Кредит 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти” - қайтариладиган чиқитлар қийматига – 2 300 сүм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти”

Кредит 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тұланадиган счёtlар” – истеъмол қилинган электроэнергия, буғ ва газ қиймати суммасига - 50 000 сүм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти”

Кредит 6710 “Мөхнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” - асосий ишлаб чиқариш ишчиларини мөхнат ҳақи суммасига - 60 000 сүм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти”

Кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» - мөхнат ҳақидан ижтимоий солиқ суммасига – 7 200 сүм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти”

Кредит 6990 “Бошқа мажбуриятлар” - ташқи ташкилотларнинг хизмати (ижара ва б.) суммасига - 20 000 сүм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти”

Кредит 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счёtlар” – ҳисобланган амортизация суммасига - 12 000 сүм;

Дебет 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”, “С маҳсулоти”

Кредит 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “С маҳсулоти” – “С” маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархи суммасига – 296 900 сүм (150 000 сүм – 2 300 сүм + 50 000 сүм + 60 000 сүм + 7 200 сүм + 20 000 сүм + 12 000 сүм).

“Т” маҳсулотини ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби:

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти”

Кредит 1010 “Хом ашё ва материаллар”, - хом ашё ва материаллар қиймати суммасига - 300 000 сўм;

Дебет 1090 “Бошқа материаллар”

Кредит 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти” - қайтариладиган чиқитлар қийматига – 5 000 сўм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти”

Кредит 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” – истеъмол қилинган электроэнергия, буғ ва газ қиймати суммасига - 80 000 сўм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти”

Кредит 6710 “Мехнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” - асосий ишлаб чиқариш ишчиларини меҳнат ҳақи суммасига - 88 000 сўм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти”

Кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» - меҳнат ҳақидан ижтимоий солик суммасига – 10 560 сўм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти”

Кредит 6990 “Бошқа мажбуриятлар” - ташқи ташкилотларнинг хизмати (ижара ва б.) суммасига - 32 000 сўм;

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти”

Кредит 0200 “Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар” – ҳисобланган амортизация суммасига - 25 000 сўм;

Дебет 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”, “Т маҳсулоти”

Кредит 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, “Т маҳсулоти” – “Т” маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархи суммасига – 530 560 сўм (300 000 сўм – 5 000 сўм + 80 000 сўм + 88 000 сўм + 10 560 сўм + 32 000 сўм + 25 000 сўм).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (Янги таҳрири) ЎзРнинг қонуни ЎзР 13.04.2016 й. ЎРҚ-404-сон Қонуни билан тасдиқланган.

2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги

54-сонли қарорига ИЛОВА.

3. ЎзР 21-сонли БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА”. ЎзР Адлия вазирлигига 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.